



“ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT
MILLIY BANKI” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ
ЙИГИЛИШИНИНГ
26– сонли баёни

Манзил: Ўзмилийбанк Бош офиси, Тошкент
шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй.

2024 йил “14” ноябр
Иш вақти: 11:00 – 12.45

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 май санасида қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 77-моддасига асосан Кузатув кенгашининг раиси акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилиши, кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга ошириши белгилаб қўйилган. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ кузатув кенгаши раиси хизмат сафаридалиги муносабати билан йиғилишга кузатув кенгашининг аъзоси М.Норгитов раислик қилиши белгилаб олинди.

Йиғилиш Раёсати: М.Норгитов.

Йиғилиш котиби: Т.Файзиев.

Санок комиссияси: А.Бахромов, М. Юсупов, Ш.Мухамедова

КУН ТАРТИБИ

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамиятининг “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомларини янги таҳририни тасдиқлаш;
4. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамиятининг “Кузатув кенгаши аъзоларининг мукофотлаш тартиби” тўғрисидаги Низомига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш;
5. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамиятининг уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш;

6. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти устав капитални ошириш;

7. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш;

8. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2024 йил 31 декабар ҳолатига МҲХСга мувофиқ тайёрланган жамланма молиявий ҳисоботини мажбурий аудиторлик текширувни ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш ва у билан шартнома тузишни тасдиқлаш.

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ (*кейинги ўринларда – “Ўзмиллийбанк” АЖ*) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Юридик хизмати бошлиғи Норғитов Мухитдин Жўрабоевич (*кузатув кенгаши аъзоси*) очди ва қуйидагиларни маълум қилди.

Банк кузатув кенгаши томонидан 2024 йил 18 октябрдаги 67 - сонли мажлис баёни билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Уставига мувофиқ, Банкнинг акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2024 йил 14 ноябрда чақирилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий йиғилишни ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисидаги хабар 2024 йил 25 октябрда Банкнинг расмий веб-сайти ва Корпоратив маълумотлар ягона порталида, шунингдек 2024 йил 30 октябрдаги “Халқ сўзи” газетасининг 222 – сониди, 2024 йил 30 октябрдаги “правда востока” газетасининг 220 – сониди жойлаштирилиб, акциядорларнинг электрон почта манзилларига (“e-xat” орқали) йиғилиш тўғрисидаги маълумот ўрнатилган тартибда юборилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ҳамда кузатув кенгашининг қарорига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар рўйхатини тузиш санасини 2024 йил 25 октябр куни этиб белгиланган.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2024 йил 8 ноябр ҳолатига шакллантирилган.

2024 йил 8 ноябр ҳолатига банкнинг устав капитали **16 250 670 312 000,00 (ўн олти триллион икки юз эллик миллиард олти юз етмиш миллион уч юз ўн икки минг)** сўмни ташкил қилади ва у **16 250 670 312 (ўн олти миллиард икки юз эллик миллион олти юз етмиш минг уч юз ўн икки)** дона номинал қиймати **1000 (бир минг)** сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (*кворумга эга эканлиги*) бўйича сўз санок комиссияси раиси – А.Бахромовга берилди.

“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг реестрига кўра, санок комиссияси томонидан 2024 йил 8 ноябр ҳолатига акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга **16 250 670 312** (*ўн олти миллиард икки юз эллик миллион олти юз етмиш минг уч юз ўн икки*) дона оддий акциялар эгаси бўлган **2** (*икки*) та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги – **6 617 804 648** (*Олти миллиард олти юз ўн етти миллион саккиз юз тўрт минг олти юз қирқ саккиз*) дона (**40,72%**) оддий акциялар ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – **9 632 865 664** (*Туққиз миллиард олти юз ўттиз икки миллион саккиз юз олтмиш беш минг олти юз олтмиш тўрт*) дона (**59,28%**) оддий акцияларга эгаллик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-283-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Устав капиталидаги акция пакетлари бўйича акциядор ваколатларини амалга ошириш ва бошқариш функцияларини ишончнома асосида чекланмаган муддатга Иқтисодиёт ва молия вазирлигига берган (*2023 йил 24 августдаги № ОЮ - 07/08-739- сонли ишончномага мувофиқ*).

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг **16 250 670 312** (*ўн олти миллиард икки юз эллик миллион олти юз етмиш минг уч юз ўн икки*) донасига ёки **100** фоизига эгаллик қилувчи акциядор (*уларнинг вакиллари*) рўйхатдан ўтганлиги ва умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворумга эга эканлигини маълум қилди.

Йиғилишга раислик қилувчи М.Норгитов “Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва йиғилишда банк акциядорлари, Банк бошқаруви аъзолари ва банкнинг барча департамент директорлари иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;

2. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

3. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамиятининг “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомларини янги тахририни тасдиқлаш;

4. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамиятининг “Кузатув кенгаши аъзоларининг мукофотлаш тартиби” тўғрисидаги Низомига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

5. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамиятининг уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш;

6. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти устав капиталини ошириш.

7. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш;

8. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2024 йил 31 декабар ҳолатига МХХСга мувофиқ тайёрланган жамланма молиявий ҳисоботини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш ва у билан шартнома тузишни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи Т.Файзиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санақ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби кузатув кенгаши тавсияси билан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилганлигини айтиб ўтди.

“Ўзмиллийбанк” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санақ комиссияси таркиби қуйидагича таклиф этилди:

1. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати менеджери Бахромов Алижон Акбарович;

2. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Лойиҳаларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш бўлими бош мутахассиси Юсупов Муҳаммаджон Алижон ўгли.

3. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати менеджер ассистенти Муҳамедова Шахло Дилмурод қизи;

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

“Ўзмилийбанк” АЖ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссияси таркиби қўйидагича тасдиқлансин:

1. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати менеджери Бахромов Алижон Акбарович;

2. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Лойиҳаларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш бўлими бош мутахассиси Юсупов Муҳаммаджон Алижон ўгли.

3. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати менеджер ассистенти Муҳамедова Шахло Дилмурод қизи;

Овоз берилди: 16 250 670 312 та овоз.

“Ёқлайман” – 16 250 670 312 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи Т. Файзиев кун тартибига киритилган масала бўйича ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қўйидаги регламент ўрнатилишини таклиф этди:

- маърузалар бўйича муҳокамага – 15 дақиқагача;
- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 10 дақиқагача;
- кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш учун – 10 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш тартиби белгиланиб олинди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

2. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қўйидагича тасдиқлансин:

- маърузалар бўйича муҳокамага – 15 дақиқагача;
- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 10 дақиқагача;
- кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш учун – 10 дақиқагача.

Овоз берилди: 16 250 670 312 та овоз.

“Ёқлайман” – 16 250 670 312 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти директори Н.Даминов, сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-422-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари фаолиятининг операцион самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 464-сонли қарори талабларига асосан, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, жумладан тижорат банкларига кузатув кенгаши ва Бошқаруви тўғрисидаги Низомларга, шу жумладан Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифаси юклатилганлигини таъкидлаб ўтди.

Жумладан 2024 йил 1 августдан бошлаб кузатув кенгашларига тайинланган номзодлар бир вақтнинг ўзида учтадан кўп бўлмаган кузатув кенгашларида аъзо бўлмаслиги, кузатув кенгашларидаги фаолияти учун давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари кузатув кенгашига давлат улуши бўйича тайинланган номзодлар ҳақ олмаслиги (мустақил аъзолар бундан мустасно) белгиланганлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек юқоридаги қарорга асосан “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга қуйидаги бандларни қўшиш таклиф қилинди:

- Банкнинг Бошқарувиغا тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорини белгилаш тўғрисидаги тартибини Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг тасдиқлаш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари билан банк бошқаруви раиси ва раис ўринбосарларига тўланадиган ойлик иш ҳақига алоҳида мукофотлар белгилаш мумкин;
- Кузатув кенгаши аъзоларига Банк фаолиятидаги иштироклари учун ҳақ тўланмайди (кузатув кенгашининг мустақил аъзолари бундан мустасно). Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига ҳақ тўлаш “Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби” тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади;
- Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан давлат хизматчиси, давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари вакиллари ҳисобланмаган ҳамда кузатув кенгашининг давлат улуши бўйича тайинланган ва мустақил бўлмаган аъзолари учун, мустақил аъзоларга белгиланган миқдор доирасида мукофот тайинланиши мумкин.

Юқорида келтирилган сабаблар муносабати билан “Ўзмиллийбанк” АЖ, “Кузатув кенгаши тўғрисидаги” ва “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомларга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритилишини тасдиқлаш зарурлигини билдирилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

3. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг “Кузатув кенгаши” тўғрисидаги Низоми 1-илова мувофиқ тасдиқлансин.

3.1. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг “Акциядорларнинг умумий йиғилиши” тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз берилди: 16 250 670 312 та овоз.

“Ёқлайман” – 16 250 670 312 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги *тўртинчи масала* юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти директори Н.Даминов сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-422-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари фаолиятининг операцион самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 464-сонли қарори талабларига асосан кун тартибининг учинчи масаласида таъкидланганидек Кузатув кенгашининг аъзоларига тўланадиган тўловлар миқдорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозимлиги таъкидланди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

4. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг “Кузатув кенгаши аъзоларининг мукофотлаш тартиби” тўғрисидаги Низоми 3-илова мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз берилди: 16 250 670 312 та овоз.

“Ёқлайман” – 16 250 670 312 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги *бешинчи масала* юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти директори Н.Даминов, сўзга чиқди.

Кун тартибининг учунчи ва тўртинчи масалаларида таъкидлаб ўтилган “кузатув кенгаши”, “Акциядорларнинг умумий йиғилиши” ҳамда “Кузатув кенгаши аъзоларининг мукофотлаш тартиби” тўғрисидаги Низомларга киритилган ўзгаришлар юзасидан банк уставига ҳам қўшимча ўзгартириш киритиш зарурияти юзага келмоқда.

Шу муносабат билан банк уставининг бирқанча бандларига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

5. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг уставига киритилган ўзгаришлар матни 4-илова мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз берилди: 16 250 670 312 та овоз.

“Ёқлайман” – 16 250 670 312 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти директори Н.Даминов, сўзга чиқди.

Кўчмас мулк объектларидан самарали фойдаланиш ва банк хизматлари кўрсатиш сифатини янада ривожлантиришни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрда 583-Ғ-сонли фармойиши қабул қилинди.

Ушбу фармойишга асосан Ўзмиллийбанк устав фондидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг улушини ошириш ҳисобига Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган “Халқаро банк ва молия маркази” бино ва иншоотларини (Объект) баланс қийматида “Ўзмиллийбанк” АЖга бериш ҳамда кейинчалик “NBU Invest group” АЖга унинг устав капиталидаги “Ўзмиллийбанк” АЖ улушини ошириш ҳисобига объектни баланс қийматида бериш тўғрисидаги таклифларга розилик берилган.

2022 йил 21 ноябрдаги Объектни топшириш-қабул қилиш Далолатномасига асосан, Объект баланс (қолдиқ) қийматида (6 082 852 597,89 сўм) “Ўзмиллийбанк” АЖ тасарруфига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 30 августда 2000- сон билан рўйхатга олинган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқаришларини давлат рўйхатидан ўтказиш” қоидаларига мувофиқ акцияларни қўшимча чиқариш фақат эмитентнинг илгари жойлаштирилган барча акциялари тўлиқ тўлангандан кейингина амалга оширилиши мумкин. Акцияларни қўшимча чиқариш тўғрисидаги қарор фақат эмитент уставига киритиладиган акцияларнинг олдинги чиқарилиши натижаларига кўра жойлаштирилган ва эълон қилинган акциялар сонининг янги миқдорига нисбатан киритилган ўзгаришлар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қабул қилиниши мумкин.

“Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан 2022 йилдан бугунги кунга қадар тўрт мартаба банк устав капитали оширилди ҳамда бир мартаба устав капитали камайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ:

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан оширилиши мумкин.

Қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштирилган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитални ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 583 – F – сонли фармойишига асосан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, 1 – уй манзилида жойлашган “Халқаро банк ва молия маркази” бино ва иншоотларини баланс (қолдиқ) қийматида (6 082 852 597,89 сўм) “Ўзмиллийбанк” АЖ тасарруфига ўтказилганлиги муносабати билан банк устав капитални оширилиши лозимлиги таъкидланди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди

6. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, 1 – уй манзилида жойлашган “Халқаро банк ва молия маркази” бино ва иншоотларини баланс (қолдиқ) қийматида “Ўзмиллийбанк” АЖ тасарруфига ўтказилганлиги муносабати ушбу объект ҳисобига қўшимча акция чиқариш орқали устав капитални ўрнатилган тартибда оширилсин.

Овоз берилди: 16 250 670 312 та овоз.

“Ёқлайман” – 16 250 670 312 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги *еттинчи масала* юзасидан Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти директори Н.Даминов, сўзга чиқди.

Кун тартибининг олтинчи масаласида Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, 1 – уй манзилида жойлашган “Халқаро банк ва молия маркази” бино ва иншоотларини баланс (қолдиқ) қийматида “Ўзмиллийбанк” АЖ тасарруфига ўтказилганлиги муносабати ушбу объект ҳисобига қўшимча акция чиқариш орқали устав капитални ошириш (*қўшимча акциялар чиқариш орқали*) бўйича қарор қабул қилинганлигини муносабати билан қўйидагича қарор қабул қилиш таклиф этилди:

7. **6 082 852 000,00** сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин.

597,89 сўм кейинги акция чиқарилишида тақсимланиши учун қолдирилсин.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг номинал қиймати **1 000 (бир минг)** сўм бўлган **6 082 852** дона умумий қиймати **6 082 852 000,00** сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйидагича белгилансин:

- ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали 2024 йил 8 ноябр ҳолатига шакллантирилган реестрдаги акциядор (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 583 – F – сонли фармойишига асосан) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига жойлаштирилади:

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия Вазирлигига **6 082 852** дона.

- ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун давомида биржадан ташқари уюшмаган қимматли қоғозлар бозорида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида фуқаролик – ҳуқуқий битими тузилмасдан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади;

- ушбу чиқарилишдаги акциялар **1000 (бир минг)** сўмдан жойлаштирилади;
- ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 583 – F – сонли фармойишига асосан банкнинг Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, 1 – уй манзилида жойлашган “Халқаро банк ва молия маркази” бино ва иншоотларини баланс (қолдиқ) қийматида “Ўзмиллийбанк” АЖ тасарруфига ўтган объект ҳисобидан амалга оширилади;

- ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида қайтарилади.

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор матни иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Кенгаши аъзоси М.Норгитовга ушбу қарор матнини тасдиқлаш ваколати берилсин.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди

7. **6 082 852 000,00** сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин.

- **597,89** сўм кейинги акция чиқарилишида тақсимланиши учун қолдирилсин.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг номинал қиймати **1 000 (бир минг)** сўм бўлган **6 082 852** дона умумий қиймати **6 082 852 000,00** сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйидагича белгилансин:

- ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали 2024 йил 8 ноябр ҳолатига шакллантирилган реестрдаги акциядор (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 583 – F – сонли фармойишига асосан) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия Вазирлигига жойлаштирилади:

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига **6 082 852** дона.

- ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун давомида биржадан ташқари уюлмаган қимматли қоғозлар бозорида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида фуқаролик – ҳуқуқий битими тузилмасдан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади;

- ушбу чиқарилишдаги акциялар **1000 (бир минг)** сўмдан жойлаштирилади;

- ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 583 – F – сонли фармойишига асосан банкнинг Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, 1 – уй манзилида жойлашган “Халқаро банк ва молия маркази” бино ва иншоотларини баланс (қолдиқ) қийматида “Ўзмиллийбанк” АЖ тасарруфига ўтган объект ҳисобидан амалга оширилади;

- ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида қайтарилади.

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор матни иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Кенгаши аъзоси М.Норғитовга ушбу қарор матнини тасдиқлаш ваколати берилсин.

Овоз берилди: 16 250 670 312 та овоз.

“Ёқлайман” – 16 250 670 312 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти директори Ф.Қодиров сўзга чиқиб қўйидагиларни таъкидлади.

- **597,89** сўм кейинги акция чиқарилишида тақсимланиши учун қолдирилсин.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг номинал қиймати **1 000 (бир минг)** сўм бўлган **6 082 852** дона умумий қиймати **6 082 852 000,00** сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин.

“Ўзмиллийбанк” АЖнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйидагича белгилансин:

- ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали 2024 йил 8 ноябр ҳолатига шакллантирилган реестрдаги акциядор (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 583 – F – сонли фармойишига асосан) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия Вазирлигига жойлаштирилади:

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига **6 082 852** дона.

- ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун давомида биржадан ташқари уюлмаган қимматли қоғозлар бозорида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида фуқаролик – ҳуқуқий битими тузилмасдан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади;

- ушбу чиқарилишдаги акциялар **1000 (бир минг)** сўмдан жойлаштирилади;

- ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 583 – F – сонли фармойишига асосан банкнинг Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, 1 – уй манзилида жойлашган “Халқаро банк ва молия маркази” бино ва иншоотларини баланс (қолдиқ) қийматида “Ўзмиллийбанк” АЖ тасарруфига ўтган объект ҳисобидан амалга оширилади;

- ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида қайтарилади.

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор матни иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Кенгаши аъзоси М.Норғитовга ушбу қарор матнини тасдиқлаш ваколати берилсин.

Овоз берилди: 16 250 670 312 та овоз.

“Ёқлайман” – 16 250 670 312 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

Кун тартибидаги **саккизинчи масала** юзасидан Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти директори Ф.Қодиров сўзга чиқиб қўйидагиларни таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” (янги таҳрири) ва “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ банкларнинг йиллик молиявий ҳисоботлари аудиторлик текширувидан ўтказилиши мажбурий эканлиги белгилаб қўйилган.

Банк харид комиссиясининг 2024 йил 20 августдаги 24120012379053-сонли баённомасида 2024 йил 30 июн ҳолатига МҲХСга мувофиқ тайёрланадиган оралик жамланма молиявий ҳисоботини таҳлилий текширув (review) ва 2024 йил 31 декабр ҳолатига МҲХСга мувофиқ тайёрланадиган жамлама молиявий ҳисоботини аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича бўлиб ўтган танлов натижаларини инобатга олган ҳолда Банкнинг 2024 йил 30 июн ҳолатига МҲХСга мувофиқ тайёрланадиган оралик жамланма молиявий ҳисоботини таҳлилий текшируви (review) ни ўтказиш учун “Deloitte va Touche” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танланганлиги маълумот учун қабул қилинишини ҳамда 2024 йил 31 декабр ҳолатига МҲХСга мувофиқ тайёрланадиган жамланма молиявий ҳисоботини аудит текширувидан ўтказиш учун “Deloitte va Touche” МЧЖ аудиторлик ташкилоти ташқи аудитор сифатида танлаш масаласи дастлаб Кузатов кенгаши (24.10.2024 йил 68-сон) томонидан кўриб чиқилганлиги айтиб ўтилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қўйидаги қарор матни овозга қўйилди

8. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг 2024 йил 31 декабр ҳолатига МҲХСга мувофиқ тайёрланадиган жамланма молиявий ҳисоботини аудит текширувидан ўтказиш учун “Deloitte va Touche” МЧЖ аудиторлик ташкилоти ташқи аудитор сифатида белгилансин.

8.1. “Deloitte va Touche” ташқи аудиторлик ташкилоти билан ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин (*ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган миқдори - 5 218 806 937 (беш миллиард икки юз ўн саккиз миллион саккиз юз олти минг тўққиз юз ўттиз етти) сўм (ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда) этиб белгилансин*).

Овоз берилди: 16 250 670 312 та овоз.

“Ёқлайман” – 16 250 670 312 та овоз, “Қаршиман” – 0 та овоз, “Бетарафман” – 0 та овоз.

**“Ўзмиллийбанк” АЖ
акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши раиси**

**Йиғилиш котиби,
Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи**



М.Ж. Норғитов



Т.Б. Файзиев